# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 26-OKTABR, JUMA, 126 (8051)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Соҳанинг замонавий техник асбоб-ускуналар, зарур жиҳозлар билан таъминланиши жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда асосий омил бўлмоқда. Туман ва шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимлари ҳам босқичма-босқич замонавий техник асбоб-ускуналар, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда.



Р.Р.Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида ўтган йили хитойлик селекционерлар тажрибасига асосан гултувакда мевали дарахтлар — нок, гилос, олма ўстирила бошланди. Уларнинг айримлари шу йил 10-15 тагача ҳосил тугди.



Осиё Олимпия Кенгаши томонидан "ООК Олимпия мукофоти" дея ном олган махсус мукофот таъсис қилинди. Ушбу мукофотнинг бўлғуси соҳиблари орасида ҳамюртимиз — уч карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов ҳам бор.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ФОЙДАЛИ БИТИМЛАР, ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ, ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

### ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МАЖМУАСИДА VI ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

**Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтказилаётган ушбу тадбирлар саноатчилар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.**



Форумнинг кечаги иш куни ҳам қизғин ўтди. Фойдали битимлар, самарали келишувлар, ҳамкорлик шартномаларига бой бўлди.

Ўтган V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада мингдан ошиқ корхона қатнашганди. 70 мингдан ортиқ иштирокчиларнинг 800 нафаридан зиёди чет эллик меҳмонлар эди. Стендларда 6500 дан ортиқ маҳсулот турлари намойиш қилинганди. Ушбу тадбирнинг аҳамиятини унга бўлган қизиқиш ҳам кўрсатди. Яъни, 2010 йилга нисбатан шартномалар ҳажми ички бозорга маҳсулот етказиб бериш бўйича 35 фоизга, экспорт бўйича 44 фоизга ошди. Жорий йилги саноатчилар форумида мамлакатимизнинг 1100 дан ортиқ корхонаси, хорижий фирма ҳамда компанияларнинг қарийб минг нафар вакили қатнашмоқда. Улар томонидан жорий йилда маҳаллийлаштирилган, келгусида ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотларнинг кўплаб турлари намойиш этилмоқда.

Ҳар куни бу ерда нафақат етакчи саноат тармоқлари, балки улар учун инновация лойиҳаларини ишлаб чиқадиган илмий институтлар, шунингдек, истиқболли кичик корхоналарнинг ўнлаб марказлаштирилган тақдимот маросимлари ҳам бўлиб ўтяпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниялари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Давлат геология қўмитаси, "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти, "Ўзпахтасаноат" ҳамда "Ўзагромашсервис" уюшмаларининг тақдимотларида ҳам саноатимиз салоҳияти намойиш этилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фермерлик ҳаракати ўзининг истиқболли эканлигини намоён этди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермерлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу жараёнда уларга янги техника ва технологиялар қўл келаётир. "Ўзагромашсервис" уюшмаси корхоналари тақдим этаётган техникалар, техника воситалари қишлоқ хўжалик мутахассисларига манзур бўлаётир.

"Ўзпахтасаноат" тизимидаги корхоналарда амалга оширилган модернизация ишлари маҳсулот сифатини янада оширди. Бу галги ярмаркада уюшма томонидан фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар намойишига эътибор қаратилди.

Шунингдек, ярмаркада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса саноатимиз салоҳиятида уларнинг улуши ҳам тобора ортиб бораётганидан далолат бермоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.**

Жумладан:

Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазири **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Мурсий;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика;**

Ливан Республикаси Президенти **Мишель Сулаймон;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Маҳмуд Аҳмадинежод;**

Малайзия Подшоҳи **Ал-Муътасиму Биллаҳи Муҳиббуддин Туанку Алхож Абдул Ҳалим Муъадзам Шоҳ ибни Ал-Марҳум Султон Бадлишоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV;**

Мальдив Республикаси Президенти **Муҳаммад Воҳид;**

Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин миллий маъмурияти раиси **Маҳмуд Аббос;**

Озарбойжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев;**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**

Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин Эҳсонўғли;**

Ислом тараққиёт банки Президенти **Аҳмад Муҳаммад Али;**

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода** ўз табрикларини йўлладилар.

***Қутловлар келиши давом этмоқда.***

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Андижон вилояти Олтинкўл тумани Кўмакай қишлоғида "Афсона" замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига сифатли маиший ва сервис хизмати кўрсатишга мўлжалланган мазкур мажмуа "Ҳақиқат умид юлдузи" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилди.

▶ **Самарқандда ногиронларни реабилитация қилиш минтақавий марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

▶ Марғилон шаҳридаги "Element Cristall" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар асосида сифатли ва халқаро талабларга мос пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

▶ **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2-Республика тиббиёт коллежида қизларни миллий қадриятлар руҳида вояга етказиш, уларнинг ташаббускорлик фазилатларини юксалтириш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2012 йил 25 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди, унда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболи, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети ҳамда Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил 19 январда республика ҳукумати йиғилишида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тизимли ва мақсадли амалга оширилиши натижасида, мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ва Давлат бюджети параметрларини муваффақиятли ижро этилиши таъминланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Қатор ривожланган давлатларда давом этаётган инқирозий кўринишлар, улкан ҳажмдаги давлат қарзлари ва давлат бюджетининг ўта номутаносиблиги билан боғлиқ бўлган сабоқлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган пухта, ҳар томонлама ўйланган солиқ ва бюджет сиёсатининг яна бир бор тўғри ва самарали эканлигини тасдиқлайди. Охирги йилларда Давлат бюджети профицит билан бажарилиши республикада самарали амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сиёсатидан, мамлакатнинг тўлов балансининг барқарорлигидан далолат бериб, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси доирасида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, кўрсатилаётган хизматлар, қурилиш-монтаж ишлари, капитал қўйилмалар ҳажмини, шунингдек, инфляция даражасини сақлаб туришни назарда тутувчи 2013 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболлари бўйича марказий иқтисодий ва молиявий идораларнинг таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди ва қўллаб-қувватланди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Фарғона Вилояти

## ЁШ ОИЛАЛАРГА — ЗАМОНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙЛАР

### ВИЛОЯТДА МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИДА ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН 30 ТА ЯНГИ КЎПҚАВАТЛИ УЙ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

**Аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган янги жамият барпо этишга доир машҳур беш тамойилнинг биридир. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.**

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, биринчи навбатда, ёш оилаларнинг ўз уй-жойига эга бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизими жорий этилди. Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва уй-жой ёки кўп қаватли уйдан квартира сотиб олиш учун ипотека кредити олувчи ёш оилалар аъзоларининг даромадларига нисбатан ҳам солиқ имтиёзлари татбиқ этилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши дастурлари доирасида аҳолининг, биринчи навбатда, ёш оилаларнинг уй-жой шароитлари яхшиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳам шаҳарлар, туманлар ва шаҳар посёлкаларида яшовчи ёш оилалар учун уй-жой қурилиши дастурини кенгайтириш, уй-жой қуриш ва маиший турмушни ташкил этишда ёш оилалар учун шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Фарғона вилоятида мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларга сотиш учун 2012-2013 йилларда 38 кўп қаватли уй қуришни назарда тутувчи «Ёш оилаларга турар-жой» дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича ёш оилаларга ипотека кредитларини 15 йилгача муддатга бериш белгилаб қўйилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 30 апрелда қабул қилинган «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.



Шу кунларда Фарғона шаҳридаги Хўжанд кўчасида барпо этилаётган 30 кўп қаватли уйда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Марғилон ва Фарғона шаҳарларидаги эски ётоқхона биноларини реконструкция қилиш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# «БУНЁДКОР» СПОРТ МАЖМУАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

## ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВАКИЛЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЯНГИ «БУНЁДКОР» СТАДИОНИДА БЎЛИШИБ, У ЕРДА ЁШ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛЧИЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАР БИЛАН ТАНИШДИЛАР.

**Хорижлик дипломатлар, шунингдек, матбуот анжуманлари ўтказиладиган зални, ўзбек футболи тарихи музейини кўздан кечиришди, "Бунёдкор" стадиони ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабида ҳам бўлдилар.**



"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Чжан Сяо** янги спорт мажмуаси дарҳақиқат гўзал ва маҳобатли эканлигини қайд этди.

— Бу ерда ўрнатилган жиҳоз ва ускуналарнинг барчаси халқаро меъёрларга жавоб беради, – деди у. – "Бунёдкор" спорт мажмуаси Президент Ислом Каримовнинг ташаббусига кўра қурилган бўлиб, янги иншоот Ўзбекистонда спортнинг ривожланишига кўрсатилаётган улкан эътибордан далолат беради. Буларнинг барчаси мамлакатингизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганининг тасдиғи ҳамдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон спортнинг кўплаб турлари бўйича Осиё қитъасида етакчи ўринни эгаллагани ҳолда турли халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик футбол мухлисларини ногирон-ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эришилган ғалабалар билан чин қалбимдан табриклайман.

**Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг мамакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар** эътироф этганидек, хорижлик дипломатлар қисқа муддат ичида халқаро талаблар даражасида бунёд этилган "Бунёдкор" стадиони спорт соҳасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларнинг тимсоли эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Унинг айтишича, мазкур иншоот ўзининг микёси ва маҳобати билан инсонни ҳайратда қолдиради, янги спорт мажмуасида футболчилар учун яратилган шарт-шароитлар эса алоҳида эътиборга моликдир.

— Дунёнинг энг машҳур стадионларидан асло қолишмайдиган ушбу ажойиб мажмуа билан танишар эканмиз, Ўзбекистон халқи қисқа муддатда мазкур бетакрор спорт мажмуасини бунёд этган инсонлардан фахрланганини ҳис этдик, – деди британиялик дипломат. – Мамлакатингиз Президенти ташаббуси билан қурилган бу каби спорт иншоотлари ўзбек футболининг жаҳон микёсида ривож топишида муҳим ўрин тутмоқда.

**Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Савдо-сотиқ бўйича ваколатхонаси раҳбари Константин Артюшин** замонавий спорт мажмуасида яратилган шарт-шароитларни юқори баҳолар экан, ҳадемай ушбу янги стадион халқаро даражадаги футбол беллашувлари ўтказиладиган майдонга айланишига тилакдош эканлигини маълум қилди.

— Ўзбек футболи жадал ривожланмоқда, бу эса давлатнинг спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан далолат беради, — дейди К. Артюшин. — Махачқалъанинг "Анжи" жамоасидаги ўйинлари билан барчанинг эътиборига тушган ўзбек футболчиси Одил Аҳмедов Россия премьер лигасининг энг машҳур вакилларидан бири саналади. ФИФА ҳаками Равшан Эрматов ҳам Россияда катта нуфузга эгадир.

**"Жаҳон" АА**




## АРТУР ТАЙМАЗОВ ОСИЁ ОЛИМПИЯ КЕНГАШИНИНГ МУКОФОТИНИ ОЛАДИ

**Осиё Олимпия Кенгаши томонидан "ООК Олимпия мукофоти" дея ном олган махсус мукофот таъсис қилинди. Мазкур мукофот 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган XXX Олимпиада ўйинларида юксак ютуқларга эришган қитъамиз вакилларига эҳтиром белгиси сифатида Осиёнинг энг яхши спортчиларига топширилади.**



Ушбу мукофотнинг бўлғуси соҳиблари орасида ҳамюртимиз — уч карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов ҳам бор.

Осиё Олимпия Кенгаши Осиё минтақаси мамлакатлари вакиллари орасидан Олимпиадада олтин медални қўлга киритган, хусусан, жаҳон ва Осиё рекордини ўрнатган бир нечта спортчиларни танлаб олди. Мукофотлар шу йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Макао шаҳридаги Бош Ассамблея йиғилиши доирасида ўтказиладиган тантанали кеча давомида топширилади.

Артур Таймазовнинг номи нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон спорти ва Олимпия ҳаракати тарихига ҳам кирди. У эркин кураш бўйича мусобақаларда 120 кг. гача бўлган вазн тоифасида Олимпиада ўйинларида учта олтин медални ва битта кумуш медални қўлга киритган ягона спортчи ҳисобланади. Таймазов – уч карра Осиё ўйинлари, турли халқаро турнирларнинг кўп карра ғолиби ҳамдир.

## НИҲОЯТ ОДИЛ АҲМЕДОВ МАШҒУЛОТЛАРГА КИРИШДИ

**Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси, Россиянинг "Анжи" жамоаси аъзоси Одил Аҳмедовнинг жароҳати тузалиб, клуб сафида умумий машғулотларга киришди.**



Терма жамоа ҳамда "Анжи" клуби сафидаги ишончли ўйинлари билан асосий таркибдан муқим жой эгаллашга муваффақ бўлган ярим ҳимоячи клуби сафида 2 август куни бўлиб ўтган Европа кубоги 3-саралаш баҳслари доирасидаги Голландиянинг "Витесс" жамоасига қарши кечган баҳсда жароҳат олган эди. Кейинчалик аниқланишича, олган жароҳати жиддий бўлиб чиқди. 21 август куни Германиянинг Мюнхен шаҳрида жойлашган клиникада футболчининг тўпиғида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Жиддий жароҳатдан сўнг жисмоний ҳолатни қайта тиклаш жараёни икки ойдан ортиқроқ вақтга чўзилди. Ўтган ҳафтада "Анжи" клуби матбуот хизмати футболчи мутахассис назоратида индивидуал машғулотларни бажара бошлагани ҳақида хабар берган эди. Куни кеча эса у жамоа билан умумий машғулотларга киришгани маълум қилинди. Яъни яқин кунларда футболчининг ўз фаолияти давомидаги энг жиддий жароҳатдан фориғ бўлиб футбол майдонига қайтиши кутилмоқда.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

▼ БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

## СПОРТ МАЛИКАЛАРИ САМАРҚАНДДА БАҲСЛАШДИ

**Самарқанд шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган гимнастикачилар куч синашди.**

Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган беллашувлар якунида спорт усталари ўртасида тошкентлик Жамила Раҳматова биринчи, самарқандлик Мафтуна Шамсиева иккинчи ва Бухоро вилояти вакили Замира Санақулова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Спорт усталигига номзодлар иштирокидаги баҳсларда Тошкент шаҳри вакили Анастасия Сердюкова муваффақият қозонди. Кейинги совринли ўринлар самарқандлик Алёна Ким ва тошкентлик Самира Амировaларга насиб этди.

Жамоавий чиқишларда эса мезбонлар ғолибликни қўлга киритди. Бухоро вилояти жамоаси иккинчи, Хоразм вилояти вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

Сурхондарё вилояти

**Термиз шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, "Келажак овози" ЁТМ, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

## ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЖОНЛАР БАЙРАМИ

Унда туман-шаҳар босқичларидан муваффақиятли ўтган 320 нафар ёш истеъдод соҳиблари мумтоз, вокал, миллий чолғу, рақс, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт сингари 6 номинация, 37 йўналиш бўйича ўзаро беллашишди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш учун йўлланма олишди. Шунингдек, ташкилотчилар томонидан фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

— "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалида адабиёт йўналиши бўйича учинчи бор иштирок этишим, — дейди термизлик Соҳибжамол Каттаева. — Бу йил ижодий намуналарим ҳакамлар ҳайъати томонидан яхши деб топилиб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлдим.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

○ Реклама ва эълонлар

## ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛДИРИШНОМА

### "UNIVERSAL KO'CHMAS MULK RELTORI" МЧЖ ТОМОНИДАН ТАШКИЛЛАШТИРИЛАДИГАН ТАНЛОВГА:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 сентябрдаги 27-сонли йиғилиш баёни ва Тошкент вилояти Бекобод тумани ҳокимининг 2012 йил 19 октябрдаги 428-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширш учун юридик ва жисмоний шахсларга, Бекобод тумани ҳудудида жойлашган, қуйидаги 2 (икки) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиши учун мўлжалланган, Зафар шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган, майдони 0,12 гектар бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати – 451400 сўм.

**2.** Савдо дўкони қурилиши учун мўлжалланган, Пушкин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ўрикзор маҳалласида жойлашган, майдони 0,2 гектар бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати – 65400 сўм.

**Талабгорлар учун мажбуриятларни бажариш шакллари ва шартларининг бошланғич ҳажмлари:**

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, Тошкент вилояти Бекобод тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил 30 ноябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бекобод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йилда 26 ноябрь куни соат 11-00 да очилади. Танлов ғолиби 2012 йил 26 ноябрь куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов натижаларига кўра аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 24 ноябрь куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни, закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 26 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 6 декабрь куни соат 11-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгордан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 5 декабрь соат 18-00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бекобод тумани ҳокимлиги биносида 2012 йилнинг 6 декабрь куни соат 11-00 да очилади, 2012 йилнинг 6 декабрь куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисининг кўрсатилган ҳисобрақамига танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтоҳур филиали, ҳ/р: 20208000504933465003, МФО 00425, СТИР 302085454, ХХТУТ 80400.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил:

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй.

**Танлов ташкилотчиси** — "UNIVERSAL KO'CHMAS MULK RELTORI" МЧЖ.

**Танлов ташкилотчисининг почта манзили:** Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй, индекс 100011.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (+99898) 311-51-15, электрон почта: ukmr-mail@inbox.ru.

***Лицензия: RR 0066.***

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

### ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

universal auktsion invest

***2012 йил 27 ноябрь куни соат 10:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Учкўприк тумани СИБ томонидан ЖИБ Учкўприк судининг 17.08.2012 йилдаги 1-134-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1997 й. и/ч «Нексия» русумли, д/р 40 E 269 DA, бошланғич баҳоси 12 110 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.***

Автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш бўйича такрорий савдолар 2012 йилнинг 13 декабрь ва 28 декабрь кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Фарғона шаҳри Ал Фарғоний кўчаси 43-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг «Савдогар» ОАТ банк Фарғона вилояти бўлимидаги МФО:00500 ИНН: 302083379, 20208000204932168003 ҳисобрақамига тўлаши ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нотариал тасдиқланган нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри Ал Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: (+99895) 404-44-78.

**ТУЗАТИШ!**

"Universal Auktsion Invest" МЧЖ Навоий вилояти филиали томонидан "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2012 йил 16 октябрь 120 (8045)-сонида берилган реклама эълонидаги аукцион савдосини ўтказиш саналари қуйидагича: "20, 27 ноябрь ва 4 декабрь" ўрнига "4, 11 ва 18 декабрь" ҳамда "2 ноябрь" ўрнига "16 ноябрь" деб ўқилсин.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Навоий шаҳри П.Очилов кўчаси 23-уй.

***Гувоҳнома № 004059***

Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (13.11.2006 й., реестр № 002445-04) рўйхатга олинган "HAGDAMA TRADING" МЧЖ (СТИР 300050674) 25.10.2012 й.даги 1-сонли таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ташкилий-ҳуқуқий шакли "HAGDAMA TRADING" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонага ўзгартирилаётганини маълум қилади. Манзил: Доғистон кўч. 64-уй 3-хонадон. Тел.: +99891 162-29-10.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н м-в Чиланзар-12 д. 65 кв-ра 76, выданный Учтепинским БТИ на имя Пак Анатолия Владимировича, считать недействительным.

Дочернее предприятие "KAMAL NABIZADA" (ДП "KAMAL NABIZADA") преобразовывается в иностранное предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью "KAMAL NABIZADA".

Утерянные гувохнома (реестр № 003081-07) и угловой штамп, выданные Хокимиятом Хамзинского р-на на ООО "TAXIBUS" (ИНН 301747492), считать недействительными.

Утерянный диплом РТ-039933, выданный в 1994 г. "Педагогическим училищем им. Крупской Чиланзарского р-на" (Ташкентский педагогический колледж) на имя Кучкарбаевой Фатимы Насирпулатовны, считать недействительным.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-Д 20 д. 34 кв. 58 выданный БТИ Чиланзарского района на имя Эсонова Убайдулло Хошимовича считать недействительным.

Утерянный диплом № 781746 (рег № 0344), выданный в 2007 г. Ташкентским Радиотехническим Профессионально-техническим колледжем г. Ташкента на имя Киншакова Всеволода Вячеславовича, считать недействительным.

ЧФ "MARD-ULUGBEK" (ИНН 203638202), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (№ 000771, 27.12.2002 г.) с юридическим адресом: Юнусабад 8 д. 24 кв-ра 10, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 25.10.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования указанного объявления.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Дадаходжаев Фарход Фаррухович номига Тошкент ш. Чилонзор т. 3-мавзе 45-уй 14-хонадон манзилида жойлашган дўкон учун 07.12.2007 й.да берилган ТА № 0458174 сонли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"XALQ SUG'URTA" МЧЖ шаклидаги Суғурта Компаниясига тегишли 0014786, 0014787 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли, ноҳақиқий ҳисобланади. Ушбу полислар бўйича Суғурта Компания ҳеч қандай мажбурият олиб бормайди.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 001610-07, 24.03.2009 й.) қайта рўйхатга олинган "FIRA TRADE PLUS" ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли "FIRA TRADE PLUS" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади, "FIRA TRADE PLUS" Хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимияти томонидан (25.06.2012 й., реестр 008018-08) рўйхатга олинган "STAR MED CENTER" шуъба корхонаси Устав фондининг миқдори 262 523 000 сўмдан 60 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Даъволар учун тел.: (+99 890) 916-72-26.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-28-04, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 728-09-78; **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар** – 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** Ҳ.МЎМИНОВ **Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ **Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 23.00 15556 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | **E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4